

# **Мавзу: Мева-савзавот махсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш машина ва курилмалари**

**Режа:**

**1. Мева- сабзавот ва полиз махсулотларини  
сақлаш тартиби, сақлашга тайёрлашда қайта  
ишлаш жиҳозлари ва машиналари**

**2. Механик ишлов бериш жиҳозлари ва  
машиналари**

**Мева-сабзавот**

**омборлари**


**турлари:**

Мева ва сабзавотлар турли хил үсулларда сақланади. Янги мева-сабзавотлар, шунингдек, уруғликлар ва картошка сақлайдиган иншоот ёки бинолар мева-сабзавот омбори деб юритилади. Улар муваққат ва доимий бўлади. Муваққат омборларларга уюм, ҳандақ, ўра ва бошқалар киради. Доимий омборлар бир қаватли тўғри тўртбурчак шаклида ва ер устига ва ердан чуқурроқ (1,5-2м) қилиб, бетондан ёки ғиштдан қурилади. Мева-сабзавот омборлари маҳсулотни сақлаш үсулларига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади:


- табиий үсулларда шамоллатиладиган омборлар.
- вентилятор ёрдамида ташқи хаво билан совитиладиган омборлар.
- сунъий үсулда совитиладиган омборлар.
- атмосфераси бошқарилиб туриладиган совитгичлар.
- музхона ва музли омборлар.

Мева ва сабзавотларнинг турли-туманлиги, ва уларни турли мақсадларда сақлаш, маҳсулот етишириладиган регионнинг табиий шароити, хўжаликнинг моддий-техника имкониятлари маҳсулот сақлашнинг турли хилда бўлишини талаб қиласди. Колаверса хўжалик учун қулай үсулни танлаш унинг иқтисодий қудратига боғлиқ.

# Уюмларни сақлаш майдончасига жойлаштириш




# Уюм ва хандақларнинг вентиляция схемаси



## *Мева сақловчи омборхона*

*1-контейнерларни бўшатиш жойи; 2-электроюклагич; 3-қутичали тагликлар; 4-электртахлагич; 5-меваларга товар ишлов бериш линияси; 6-осма транспортёрлар; 7-рақамли тарози.*

*I- сақлаш хоналари; II- товар ишлов бериш бўлими; III-юк йўлакчаси; IV-электр тўсқич; V, VI – майший хизмат хоналари; VII- шамоллатиш камераси; VIII-соябонлар.*



## **Мева ва сабзавотларнинг сақлашга чидамлилиги**

Мева ва сабзавотларни сақлашда улар вазнини табий равишда тушишини атиги бир фоизга камайтириш махсулотни ўн минг тонналаб кўпайтиришга олиб келади. Мева ва сабзавотларни маълум вақт давомида сифатини пасайтирмасдан ва оғирлигини минимал даражада йўқотиб сақланиш хусусияти уларнинг сақлашга чидамлилигини белгилайди. Сабзавот ва меваларни узоқ сақлаш уларни сақланувчанлиги билан аниқланади. Кўп турдиган сабзавот ва мева уюмини узоқ вақт давомида ортиқча исрофсиз, физиологик бузилишсиз, харидоргир ва истеъмолдаги сифатлари ёмонлашмасдан сақланишидир. Қўлланмаларда сақланувчанлик: юқори, ўрта ва қуи деб таърифланган. Сабзавот ва мевалар тез бузиладиган махсулотлар хисобланади. Шу сабабли уларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун қайта ишланади.

# Қайта ишлашнинг асосий мақсади

Қайта ишлашнинг асосий мақсади тез бузиладиган мева ва сабзавотларни узоқ вақт ундаги витамин ва бошқа қимматли таркибий қисмларини сақлаш хамда уларда турли хил микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборатdir. Сабзовот ва меваларни қайта ишлаб халқнинг уларга бўлган талабини йил бўйи қондириш мумкин. Мева ва сабзавотларни илмий асосланган ва хар бир регионнинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланадиган қайта ишлаш усулларини хўжаликларга кенг жорий этиш етиштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги йўқотишини кескин камайтиради ва мевачилик, сабзавотчилик хўжаликларининг иқтисодиётини кескин кўтаришга ёрдам беради.

Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш натижасида ишлаш усулига қараб бир қатор қўшимчалар – туз, шакар, зиравор қўшимчалари, кислота, сирка кабилар тавсия этилган миқдорда қўшилади. Бу қўшилмалар мева ва сабзавотлар таркибидаги витамин ва бошқа физиологик актив моддаларни сақлаган холда уларнинг калорияси, таъми хамда хушбўйлигини анча оширади.

# Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш турлари


Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усуллари уларда физиологик ва биологик жараёнларни тўхтатиб, фитопатоген микробларни бутунлай йўқотиб, маҳсулотларни ташқи мухит билан алоқасини узишга қаратилган. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш усулини маҳсулотнинг турига, қайта ишлаш регионага, уларнинг химиявий таркибиغا ва бошқа бир қатор кўрсаткичларига қараб танлаш лозим. Сабзавот ва мевалар асосан физикавий, микробиологик ва кимёвий усулларда қайта ишланади. Ўзбекистонда сабзавот ва меваларни асосан физикавий ва микробиологик усулларда қайта ишланади. Кайта ишланаётган маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун энг аввало хом ашёнинг етилганлиги, унинг ранги хамда ўлчамлари бир хил бўлиши лозим. Хом ашё қайта ишлашдан олдин колибрювка ва сортировка қилинади. Сўнг маҳсулотларни ювиб тозалаш мухим босқич хисобланади. Ушбу жараёнлардан кейин бўлакларга бўлиш ишлари бажарилади. Шу билан бирга маҳсулотларни қисқа муддат қайнаб турган сув ёки буғ билан ишланиб, улар бланширланади. Бланширлашда микробларнинг сони кескин камаяди. Хом ашё тўқималаридағи кислород миқдори камаяди.

# Саралаш ва колибрлаш

Саралаш жараёнида махсулотлар сифатига кўра гурухларга бўлинади. Инспекция жараёнида чириган, пишмаган, шикастланган мевалар ажратилади. **Колибрлаш жараёнининг мақсади** – мева ва сабзавотларнинг ўлчамларига кўра саралаш. Саралаш ва инспекцион конвейрлар транспорт воситалари сифатида ишлатилиши мумкин ва улардан ишчи жойлар мавжудлиги ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш мосламалари борлиги билан фарқ қиласди. Кайта ишлаш корхоналарида навларга ажратиш машиналари хўл мева ва сабзавотларни сифат жихатидан уларнинг солиштирма оғирлигига, пишиб етилганига ва ташқи кўринишига қараб навларга ажратилади. Кайта ишлаш корхоналарида хом ашёни навлаш жараёни икки хил хусусиятга асосланган: Кўл кучи воситасида махсулотларнинг солиштирма оғирлиги бўйича **гидравлик усул** билан. Барабанли саралаш машинаси. Бу жихоз кўк нўхот, гилос, олча, картошкаларнинг катта кичиклигига ажратиш учун ишлатилади.


## *Барабанлы саралаш машинаси*

1. Тұрсымон барабан. 2. Узатмали механизм 3. Рама, 4. Йиғувчи бункер.



## *КНУ-02 типидаги саралаш машинаси*

1-максулот киритиш учун транспортер 2. Катталашган хом ашёни ажратадиган қурилма 3. Бодрингларни узунлиги бўйича саралаш учун қурилма.




# Қуритиш турлари


Қаттиқ ва пастасимон материаллар таркибида намликни бүғлатиш ва ҳосил бўлаётган буғларни четга олиб чиқишга **қуритиш жараёни** дейилади. Маълумки қуритиш жараён бу иссиқлик ва модда (намлик) нинг материал ичидаги харакати ва материал юзасидан атроф мухитга узутилишидир. Қаттиқ, нам материалга иссиқлик таъсир этиш усулига қараб қуритиш қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) **конвектив қуритиш** - бунда нам материал билан қутувчи элткич бевосита ўзаро таъсирда бўлади. Одатда қурутувчи элткич сифатида қиздирилган ҳаво ёки тутун газлари ишлатилади;
- 2) **контактли қуритиш** - иссиқлик ташувчи элткич ва нам материал орасида ажратувчи девор бўлади. Материалга иссиқлик шу девор узатилади;
- 3) **радиацион қуритиш** - нам материалга иссиқлик инфрақизил нурлар орқали узутилади;
- 4) **диэлектрик қуритиш** - нам материал юқори частотали ток майдонида узутилади;
- 5) **сублимацион қуритиш** - нам материал музлаган холатда, юқори вакуум остида қурутилади.


**Лентали қуриткич. 1 - қобиқ; 2 - лентали конвейер; 3 - етакловчи барабанлар; 4 - етакланувчи барабанлар; 5 - калорифер; 6 - юкловчи мосламали бункер.**



*Тебранма мавҳум қайнаш қатламли қуриткич. 1 - амортизатор; 2 - пружина; 3 - тўкиш люки; 4 - тебраткич; 5 - юриткич; 6 - газ тақсимловчи тешикли панжара; 7 - тарнов; 8 - кузатиш ойнаси.*




**Барабанлы қуриткіч.** 1 - ўтхона; 2 - бункер; 3 - барабан; 4 - бандаж; 5 - тишили филдирек; 6 - вентилятор; 7 - циклон; 8- тукиш бункери; 9 - шлюзли таъминлагич; 10 - таянч роликлар.



**Сублимациялы қурилған қуритиш камераси, конденсатор-музлаткич ва вакуум насосдан таркиб топған.**


Плита ичида иссиқ сув насос ёрдамида циркуляциялы ҳаракат қилади.

Қуритилаётган материал түнүка товаларда плита үстигина жойлаштириледи. Плита ва товалар орасыда маълум ҳаволи бўшлиқ бўлади. Плиталардан товаларга иссиқлик нурланиш усули (радиация) ҳисобига ўтади.




**Радиацияли қурилма. 1-конвейер; 2-газодувка; 3-газ горелкаси; 4-нур тарқатгич; 5-чиқиш трубаси.**

Нур тарқатувчи қурилманинг пастки қисмида газ ёқилади. Газ ёниши оқибатида нур тарқатувчи қурилма қизийди, сүнгра инфрақизил нурларни тарқатади



Юқори частотали құриткич. 1-конденсатор пластинкаси; 2-қуритиш камераси; 3-лентали конвейер; 4-лампали, юқори частотали генератор; 5-түғрилагич.

Частотаси 50 Гц ли үзгарувчан ток түғрилагич орқали генераторга узатилади. Генераторда ток юқори частотали токка айлантирилади. Сүнг, бу ток лентали конвейернинг икки томонида жойлашган конденсатор пластинкаларига юборилади. Конденсатор пластиналари заряд ишоралари үзгариши билан юқори частотали майдон таъсирида материал ион ва электронлари синхрон равишда ҳаракат йўналиши үзгаради. Диполь молекулалар айланма ҳаракатланса, электр зарядлар силжиши туфайли қутбсиз молекулалар қутбланади. Юқорида қайд этилган ҳодисалар оқибатида материалда иссиқлик ажраб чиқади ва у қизийди.



# **Мұстақил иш топшириғи**

**Мева-сабзавот махсулотларини  
дастлабки қайта ишлаш  
машиналарини интернет  
материаллари ёрдамида  
үрганиш**

- Этибордингиз учун раҳмат.